

**Москвадаги “Бухоро халқ маориф уйи”- БХСРда таълимни  
ривожлантириш саъй-ҳаракатлари намунаси**

*Аслонов Мадамин Мансурович*

*Бухоро давлат университети*

*мустақил изланувчиси*

*Tel: +998(91)4486338 mansurovich1981@gmail.com*

***Аннотация:** Ушбу мақолада “Бухоро маориф уйи” нинг Бухоро Халқ Совет Республикасида маънавият ва маданиятни шакллантиришидаги ўрни ҳақида фикр юритилиб, ушбу маориф уйи Ўзбекистонда Келгусида бу кадрлар хорижда таълим олиб ўз она юртларига қайтгач мамлакат иқтисодиёти ва бошқа барча соҳаларни юксалтириши мақсад қилинганлиги, маданият-маънавиятни юксалишига улкан ҳисса қўшганлиги илмий-назарий жиҳатдан асосланган.*

***Калит сўзлар:** Маориф нозирлари, замонавий таълим, давлат арбоблари, маънавият, маданият, Бухоро Халқ Совет Республикаси, ўзбек театри, тараққиёт.*

1920 йил 6-8 октябрь кунларида Бутун Бухоро халқ вакилларининг 1-қурултойида Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилганлиги тантанали равишда эълон қилинди. Мазкур республика атиги тўрт йил яшаган бўлса-да, Ўзбекистон давлатчилиги тарихида муҳим босқич сифатида кирди. Қисқа умри давомида бу республика жуда катта ишларни амалга ошириш йўлига кирган эди.

Давлатни бошқарувчи Бухоро Халқ Нозирлар Шўъроси раис ва хорижий ташқи ишлар нозирлари — Файзулла Хўжаев, маориф нозирлари Қори Йўлдош Пўлатов, ички ишлар нозирлари Мусо Саиджонов, молия нозирлари Усмонхўжа Пўлатхўжаев, давлат назорати Н.Хусаинов, фавқулодда комиссия раиси — Иброҳимов, адлия нозирлари Мукамил Бурҳонов, ҳарбий

нозири Шихобуддинов, савдо ва саноат нозири М. Мансуровлардан иборат таркибда шакллантирилди. Ушбу ўринда таъкидлаш жоизки, Бухоро ҳукумати асосан жаидлардан ташкил топган. Нозирлар Бухоро, Истанбул, Москва ва бошқа шаҳарларда таълим олишган эди. Бухоро жаидлари ўзларининг ислохотчилик ғояларини янги ҳукуматдаги фаолиятлари давомида амалга оширишга ҳаракат қилдилар<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, жаидлардан иборат таркибда тузилган ҳукумат давлатни замонавий типдаги ривожланган давлатлар қаторида кўришни орзу қилгани, шубҳасиз.

Негаки, бу ҳукумат тузилган кунидан бошлаб мамлакатда ислохотчилик фаолиятини амага ошириш ишига киришиб кетди. Бунинг учун улар энг аввало, давлатда кадрлар масаласи ва уларни ўқитишга алоҳида эътибор қаратишди. Шунинг учун бу ҳукумат келажак авлодни замонавий таълим олган илғор давлатдаги билимли ёшлардан кам қилмаслик мақсадида хорижий давлатларда таълим олиб келишига барча шарт-шароитларни яратиб берди. Келгусида бу кадрлар хорижда таълим олиб ўз она юртларига қайтгач мамлакат иқтисодиёти ва бошқа барча соҳаларни юксалтириши мақсад қилинганди. Шунинг жуда кўп бухоролик ёшлар Туркия, Германия каби мамлакатларга ўқишга юборилди. Жумладан, 1922 йилларда Абдулвоҳид Бурҳонов (Мунзим) БХСРнинг Халқ маорифи нозири лавозимида ишлайди. Ушбу даврда Мунзим миллий кадрлар, хусусан, муҳандислар тайёрлаш мақсадида бир гуруҳ бухоролик ёшларни Германияга юбориш тўғрисидаги БХСР ҳукумати қарорининг қабул қилинишига катта ҳисса қўшади. Шу қарорга асосан, у мазкур ишни ташкил этиш бўйича комиссия раиси этиб тайинланган эди. 1922 йилнинг ёзида Мунзимнинг шахсан ўзи бухоролик 44 кишини Германияга олиб бориб, Берлиндаги ўқув юртларига жойлаштиради<sup>2</sup>. Шунингдек, бухоролик ёшлар бориб таълим олиши мумкин бўлган давлатлар қаторида Москва шаҳри ҳам бор эди. Бу борада ҳукумат раҳбари Файзулла Хўжаевнинг ўзи шахсан ташаббус

---

<sup>1</sup> [https://uz.wikipedia.org/wiki/Buxoro\\_Xalq\\_Sovet\\_Respublikasi](https://uz.wikipedia.org/wiki/Buxoro_Xalq_Sovet_Respublikasi)

<sup>2</sup> <https://ziyouz.uz/ozbek-ziyolilari/abdulvohid-burhonov/>  
[www.tadqiqotlar.uz](http://www.tadqiqotlar.uz)

кўрсатиб, бухоролик ёшларни хорижда ўқишлари учун мавжуд барча имкониятлардан фойдаланиб кўрди ва бу хайрли ишларнинг бошида турди.

Файзулла Хўжаев 1922 йилда Москвага ташрифи даврида Бухоро Халқ Совет Республикаси болалари учун “Маориф уйи” очиш масаласини Совет ҳукумати олдига қўйди. Ана шу таклиф асосида ССР Халқ Комиссарлари Совети 1923 йил 27 мартда Москвада БХСР болалари учун маориф уйи очиш тўғрисида қарор қабул қилган<sup>3</sup>. Шу қарор асосида БХСРнинг Москвада БХСР элчихонаси билан бир қаторда Бухоро ёшлари таҳсил олишлари учун ҳукумат томонидан молиялаштирилган “Бухоро халқ маориф уйи” ташкил қилинган<sup>4</sup>. “Бухоро халқ маориф уйи” зиммасига Москвага ўқишга юборилган бухоролик ёшларни ҳар томонлама билим олишлари учун барча зарурий чораларни ишлаб чиқариш масъулияти юкланганди.

Бухорода маорифни ривожлантириш учун РСФСР билан ўзаро иқтисодий ва маданий дўслик алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилди. Маданиятимиз ва халқ маорифининг чинакам жонкуяри бўлган Файзулла Хўжаевнинг 1923 йил мартда РСФСР Маорифи Халқ Комиссари Анатолий, Васильевич Луначарскийга ёзган тарихий бир мактубида бухоролик 11 нафар ёшни турлий мутахассислик бўйича Москвага ўқишга юбораётганлиги, уларни ўзлари хоҳлаган ўқишларига жойлаштирилиб қўйишда, ётоқхона, кийим-кечак, озиқ – овқат ва ўқув қуроллари билан таъминлашда ёрдам кўрсатиши сўралади<sup>5</sup>. Москвада Бухоро болалари маориф уйида 110 ўқувчи таълим олган<sup>6</sup>. Москвадаги ўзбек талабалари ўқийдиган «Бухоро маориф уйи»га Ҳоди Файзий директорлик қилган. 1937 йил декабрда Ҳоди Файзий катагон қилинган<sup>7</sup>. Москвадаги “Бухоро болалари маориф уйи”нинг тизимли фаолият олиб борганлиги, у ерда таълим олаётган бухоролик ёш

---

<sup>3</sup> <https://fayllar.org/fajzulla-hjaevning-bhsr-bosharuvidagi-rni-v2.html>

<sup>4</sup> Махкамов А. “Бухарская жизнь “(Бухоро ҳаёти) журналининг тарихидан (электрон тўплам).-Б.137. in-academy.uz/index.php/yo

<sup>5</sup> Жўраев Ҳ.А. Бухоро Халқ Совет Республикасида маориф соҳасини ислоҳ этилиши (1920-1924 йиллар) / Academic Research in Educational Sciences. Volume 1. Issue 3. 2020. -Б.1140.

<sup>6</sup> Жўраев Ҳ.А. Бухоро Халқ Совет Республикасида маориф соҳасини ислоҳ этилиши (1920-1924 йиллар) / Academic Research in Educational Sciences. Volume 1. Issue 3. 2020. -Б.1141.

<sup>7</sup> <https://uzsmart.uz/ensiklopediya/ensiklopediya/hodi-fayzi.html>

йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб қувватлаб шароит яратиб берганлигини маориф уйи қошидаги ўзбек театр студияси бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди<sup>8</sup>. БХСРдаги иқтисодий ҳолат ниҳоятда оғир аҳолда бўлишига қарамасдан маорифга бюджетдан 1000 000 сўмга яқин пул берилган<sup>9</sup>лиги ҳақидаги маълумотлар ҳам фикримизни асослайди. Хулоса қилиб айтганда, БХСР ҳукумати оғир иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан таълимга асосий эътиборни қаратиб, уни мамлакатни кутқарувчи ва тараққий қилдирувчи куч эканлигини яхши англаб етган. Шу сабабли ҳам қандай танг вазият ва тўсиқ пайдо бўлмасин ёшларни хорижга ўқишга юбориш ва уларни молиялаштиришни тўхтатиб қўймаган. Ва бу масалага биринчи даражадаги долзарб вазифа сифатида қараган. Большевиклар тинмай БХСР фаолиятига аралашаётган даврда бундай вазифаларни амалга ошириш жуда қийин масала эди. Шундай бўлса-да, бу ҳукумат ўз олдида қўйган ишларни анчасини бажаришга улгурди. Юқорида Москвадаги “Бухоро болалари маориф уйи”га Бухородан 110 бола ўқишга юборилганлиги ҳақида маълумот бердик, аммо уларни келгусидаги тақдири қандай кечганлиги алоҳида тадқиқотлар олиб бориш лозимлигини кўрсатади.

#### **Адабиётлар:**

1. Махкамов А. “Бухарская жизнь “(Бухоро ҳаёти) журналининг тарихидан (электрон тўплам).-Б.137. [in-academy.uz/index.php/yo](http://in-academy.uz/index.php/yo)
2. Жўраев Ҳ.А. Бухоро Халқ Совет Республикасида маориф соҳасини ислоҳ этилиши (1920-1924 йиллар) / Academic Research in Educational Sciences. Volume 1. Issue 3. 2020. -Б.1140.
3. <https://ziyouz.uz/uzbek-ziyolilari/abdulvohid-burhonov/>
4. <https://fayllar.org/fajzulla-hjaevning-bhsr-bosharuvidagi-rni-v2.html>
5. <https://uzsmart.uz/ensiklopediya/ensiklopediya/hodi-fayzi.html>

---

<sup>8</sup> <https://taqvim.uz/uzc/event/view/3437>

<sup>9</sup> Жўраев Ҳ.А. Бухоро Халқ Совет Республикасида маориф соҳасини ислоҳ этилиши (1920-1924 йиллар) / Academic Research in Educational Sciences. Volume 1. Issue 3. 2020. -Б.1140.

6. <https://taqvim.uz/uzc/event/view/3437>
7. [https://uz.wikipedia.org/wiki/Buxoro\\_Xalq\\_Sovet\\_Respublikasi](https://uz.wikipedia.org/wiki/Buxoro_Xalq_Sovet_Respublikasi)